

МУСТАҚИЛЛИК

ХУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

● **Пигоҳ**

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА



12-13 май кунлари Ўзбекистонга ташриф буюрган АҚШ Давлат Департаменти делегацияси аъзолари Республика Бош прокурорининг ўринбосари Р.Қодиров қабулида бўлдилар.

Учрашувда Америка томонидан - делегация раҳбари, АҚШ Давлат Департаментининг террорчиликка қарши мувофиқлаштирувчи аппарати ходими Розалин Андерсон, тайёргарлик бўйича директор, АҚШ Давлат Департаменти дипломатик хавфсизлик бюросининг террорчиликка қарши кўмаклашиш бўйича аппарати ходими доктор Ирвинг Солузэй, хавфсизлик бюроси террорчиликка қарши кўмаклашиш бўйича аппаратининг танглик вазиятларини бошқариш ва фақульдада ҳолатларни тактик жиҳатдан ҳал этиш соҳасидаги эксперти Жон Капп, АҚШнинг Тошкентдаги элчихонаси хавфсизлик офицери Жон Брэй иштирок этди.

Сўбат чоғида ҳар икки томонни қизиқтирувчи бир қатор масалалар, жумладан, Ўзбекистоннинг ваколатли органлари билан тегишли АҚШ адлия муассасалари ўртасида халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, кадрларни ўқитишни ташкил этиш имкониятлари хусусида келишиб олиш тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Америка томони Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг

ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқ тартибот идораларининг тузилиши, маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таълим беришни ташкил этиш учун мавжуд бўлган имкониятлар билан қизиқдилар.

Шу муносабат билан Бош прокурор ўринбосари Р.Қодиров делегация аъзоларини Республика прокуратурасининг фаолият йўналишлари билан таништирар экан, тергов бошқармасининг ишига батафсил тўхталиб ўтди ҳамда прокуратура идораларининг 1999 йил 16 феврал кун Ташкентда содир этилган террорчилик ҳаракатларини тергов қилиш, бундай террорчилик ҳаракати ташкилотчиларини жиноий жавобгарликка тортиш борасидаги фаолияти хусусида гапириб берди.

АҚШ делегацияси аъзолари АҚШ ҳукумати террорчиликка қарши кураш бўйича мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг молакасини оширишда Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига кўмаклашишга тайёр эканлигини билдирдилар.

Учрашув дўстона вазиятда ўтди ва АҚШ Давлат Департаменти делегацияси аъзолари самимий қабул учун миннатдорчилик изҳор қилдилар.

● **Хабарлар**

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Президент Ислам Каримов 17 май кўни Америка Қўшма Штатлари Қуролли кучлари марказий кўмондонлигининг бош кўмондони Энтони Зиннини қабул қилди.

Сўбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ Қуролли кучлари марказий кўмондонлиги ўртасида икки томонлама ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ҲАМКОРЛИҚДА КЕНГАШ

Шаҳрисабзда Республика Конституциявий суди, Омбудсман институти, журналистларни қайта тайёрлаш бўйича халқаро жамоатчилик маркази, Конрад Аденауэр халқаро жамғармаси ҳамкорликда «Демократик ва ҳуқуқий давлат» мавзусида семинар-кенгаш ташкил этдилар. Семинар-кенгашда вилоят прокуратураси, суд, ички ишлар органлари, нотариал идоралари ходимлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Кенгашда Конституциявий суд раиси Баҳодир Эшонов маъруза қилди.

● **Бўлим фаолиятдан**



Умумий назорат - прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Тошкент шаҳар прокуратурасининг умумий назорат бўлимида ҳам иш доим қизғин. Дебитор-кредиторлик қарзлар аҳволини назорат қилиб бориш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга доир ва иш билан таъминлаш каби долзарб муаммолар бўлим прокурорларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Суратда: Умумий назорат бўлими бошлиғи ўринбосари С.Панова (ўртада), бўлим прокурори О.Сувонов ҳамда катта прокурор Х.Эгамбердиевлар навбатдаги масалани муҳокама қилмоқдалар.

А.МАМАТКУЛОВ
олган сурат.

БУ ОЛАМДА



БИР ОЛАМ ГАП

► Тожикистон республикаси президентининг фармонида биноан жиноий жазога тортилган муҳолифат қўшинлари аъзоси бўлган 5,5 минг кишига нисбатан амнистия акти қўлланиладиган бўлди. Ҳибсдан озод этиладиганларнинг рўйхати Миллий яраш комиссиясига илова этилди. Мамлакат президентининг мазкур фармони республикада тинчликни ўрнатish йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлиши мумкин.

► Утган яшанба кун Владикавказдаги ҳарбийлар яшайдиган доҳада содир этилган портлаш оқибатида беш нафар фуқаро ҳалок бўлган. Ушбу террористик ҳаракат юзасидан Шимолий Кавказ округ прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди.

► Москва шаҳар судининг қарори билан Россия Федерацияси Бош прокурори Ю.Скуратовга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди. Маълумки, ушбу жиноят иши шу йилнинг 2 мартда Москва шаҳар прокурорининг ўринбосари томонидан қонунга зид равишда қўзғатилган эди.

► Италия Болкон можароларини тинч йўл билан ҳал этиш, НАТО зудлик билан бомбардимонларни тўхтатиши лозимлигини ҳамон фаоллик билан ёқлаб чиқадиган мамлакатлардан биридир. Мамлакат ҳукуматининг бу борадаги фикр-мулоҳазаси билан танишиш мақсадида Германия федерал канцлери Г.Шрёдер Италияга сафар қилди.

ҚАРОР КИМНИНГ ФОЙДАСИГА

Бола сонини қўпайтириб, етим қилиб юрган одамга ҳада бир кун жазо берар, лекин қонунчи?

3 бет

«КАВКАЗ» ИЗИДАН

Поёнтахтада фаолият кўрсатган йирик жиноий тўдалардан бирининг тугатилиши.

6 бет

ИЛОН ҲАҚИДА

Ю.Абдуллаевнинг шу номли қиссасидан парча

7 бет

Келгуси сонда:

«ТУХМАТ ТОШИ»

сурхондарёлик мухбиримиз Қ.Жўраназаровнинг журналист текшируви асосида ёзган феълетони шундай номланади.

«САМАРҚАНДНОМА»

«Қонун ҳимоясида» ва «Хуқуқ» кўнлари муносабати билан турқум мақоалалар.

УШБУ СОНДА

ТАЙИНЛОВ



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1999 йил 12 майдаги буйруғи билан **САЙФУЛЛАЕВ Бүритот Ражабович** Тошкент вилояти прокурори этиб тайинланди.

Бүритот Сайфуллаев 1952 йил Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 1976 йилда ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини тасмоллаган.

1976-1981 йилларда Бухоро вилояти, Жондор тумани прокуратурасида иш ўргатувчи, прокурор ёрдамчиси, 1981-1982 йилларда Қорақўл туман прокурори ёрдамчиси, 1982-1986 йилларда Бухоро вилояти прокуратурасининг судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори вазифаларида, 1986-1990 йилларда Когон туманлари прокурори ўринбосари, 1990-1996 йилларда Навоий вилояти, Навбахор тумани прокурори, 1996-1998 йилларда Навоий вилоят прокурорининг 1-ўринбосари, 1998-1999 йилларда Республика прокуратурасининг Ташқи иқтисодий фаолиятда коррупция, талон-тароғ ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

Тадбир

ХУКУК БИЛИМДОНЛАРИ ТАҢЛАБ ОЛИНДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг қўшма буйруғига биноан Олий ўқув юрталарнинг талабалари ўртасида ҳуқуқшунослик ва мусулмон ҳуқуқи асослари бўйича «Республика талабалар олимпиадаси» ўтказилди.

Олимпиадада вилоят мусобақаларида юқори кўрсаткичга эришган талабалар қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгандилар. Якуновчи босқич 13-16 май кунлари Тошкент Давлат юридик институтинида бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқшунослик олий ўқув юрти, университетлар ва Ички ишлар вазирлиги академияси вакиллари иштирок эттиди.

Олимпиада якунига кўра, 1-ўринни ТошДУИнинг 4-босқич талабаси Шерзод Матиева эгаллади. Иккинчи ўрин ИИВ академияси талабаси А.Айдаровага насиб этди. Тошкент халқор дипломатия университетининг талабаси Х.Шерматовга учинчи ўрин берилди. Командалар ўртасидаги беллашувда эса Тошкент Давлат юридик институти биринчи, ИИВ академияси иккинчи, СамДУ жамоаси учинчи ўринларни эгалладилар.

Г.ХУЖАНОВА,

Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.

Фармон ва ижро

Деҳқоннинг қўшқаноти бўлган техниканинг унумли ва узок мuddот шикастланмасдан ишлаши қўл-жихатдан таъмирловчиларга боғлиқ. Туман машина-трактор паркида қишлоқ хўжалик техника турларининг сифатли таъмирланиши, сақланиши, уларни ҳисобга олиш ва қўриқдан ўтказиш ишлари кўнгилдагидек эмаслигини кўриб, ачинасан киши.

Қорхонада «умум мулки - меники эмас», қабилида иш юритиш жудо қимматга тушмоқда. Давлат ҳиссдорлик жамияти раҳбарияти Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 мартдаги 106-сонли қарори талабларига эди равишда иш тутиб, ўтган йилнинг апрел ва май ойларида туман жамоа хўжалиқларидан ишлаш мudd

Муаммо

ФАРОМУШЛИКМИ ЁКИ?..

ЖИНОЯТЧИ БОЛАЛАР ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛАДИ?

Ҳадемай ёз келади. Мактабларда сўнги кўнгироклар чалиниб, ўқувчилар ёзи таътилга чиқишади. Отаналар ўз фарзандларини юртимизнинг гўзал оромгоҳларига жўнатишга ҳаракат қиладилар. Афсуски, бу борада муаммолар етарли. Пойтахтимиздаги 326 та ўрта мактабда таҳсил олаётган 352 минг 523 нафар ўқувчини оромгоҳларга жойлаштириш имконияти йўқ. Уларнинг маълум қисмигина оромгоҳларда дам олиши мумкин. Ҳақли савол туғилади: Оромгоҳларга бормоган ўқувчилар бўш вақтларини қандай ўтказадилар?

Тошкент шаҳар прокуратураси ана шу саволга жавоб топиш мақсадида ўқувчиларга таълим-тарбия берадиган, спорт ва мусика сир-асрорларини ўргатадиган даргоҳлар фаолияти билан танишиб чикди. Текширувда мавжуд бундай масканлардан 30 та мусика мактаби, 34 та маданият уйи, 12 та маданият ва истироҳат боғи, 106 та кутубхона бугунги кун талабига жавоб бермаслиги аниқланди.

Афсуслар бўлсинки, пойтахтимиздаги машҳур Митрофанов номидаги сув ҳамда «Алломиш» спорт саройларида ҳам ёш спортчилар учун етарли шароитлар йўқлиги маълум бўлди. Айниқса, 58 та болалар спорт мактабида спорт анжомлари етишмаслиги кишини таажжубга солади. Махсус спорт мактабларида аҳвол шундай бўлгач, бошқаларига нима дейиш мумкин?

Пойтахтнинг Бектемир туманида 2 та ўсмирлар клуби ташкил қилинган. Клуб учун 1 та хона ажратилган бўлишига қарамай, керакли нарсалар билан жиҳозланмаган. Шу сабабдан, бу ерга умуман ўқувчилар қадам босишмайди. Ана шундай манзарага биз Чилонзор, Шайхонтоҳур, Миробод туманларида ҳам дуч келдик. Бир пайтлар Чилонзор туманида 10 га яқин ёшлар клуби ишлаб турганди. Эндиликда эса туман ҳокимлиги бу жойлардан бошқа мақсадларда фойдаланмоқда. Бир сўз билан айтганда, пул ишлашмоқда. Тўғри-да, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказ

зишларидан уларга не наф?!.

Айрим маданият ва истироҳат боғларида эса дам олувчилар учун етарли шарт-шароитлар яратиш хусусида бош қотирадиганлар йўқ. Масалан, Мирзо Улуғбек туманидаги «Зафар Диёр», «Гулшан» маданият ва истироҳат боғларидаги ўйин аттракционлари аллақачон таъмир-талаб бўлиб қолган. Ана шундай сабаблар туфайли Бектемир туманидаги «Бахт», Акмал Икромов туманидаги А. Икромов номли истироҳат боғларига ёшлар қадам босмай қўйишган.

Кўпинча, бирон ўқувчи жиноят содир қилса, гўё ҳамма сергак тортиб қолади. Айбдорни қидиришга киришади. Ота-онаси, мактаб, маҳалла қаерга қараяпти, деб аюҳаннос солинади. Жиноятчи ўқувчи бўш вақтида нима билан банд бўлган эди, деган савол жавобсиз қолаверади...

КУТУБХОНА КЕРАК БЎЛМАЙ ҚОЛДИМИ?

«Фалон туман марказида янги супермаркет ишга тушибди. Фалон жойда қўшма қорхона очилибди». Бундай хабарларни деярли ҳар кун, ҳар бир нашрда ўқиш ўқувчилар

Бир пайтлар Чилонзор туманида 10 га яқин ёшлар клуби ишлаб турар эди. Эндиликда эса туман ҳокимлиги бу жойлардан бошқа мақсадларда фойдаланаяпти. Бир сўз билан айтганда, пул ишламоқда.

учун янгилик бўлмади қолди. Сабаби, мустақиллик шарофати билан юртимизда кундан-кун янги-янги иншоотлар қад ростилапти, мўжизалар яратилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг фаровон яшаш учун қилинаётган қутлуғ ишлардир.

Аммо, кейинги пайтларда телевидение ёки радиода бирон туман марказида ёки бирон хўжаликда кутубхона фойдаланишга таъширилгани ҳақидаги хабарни эшитмайсиз. Тўғриси, кутубхоналар ва китоблар ҳақида бот-бот танқидий чиқишлар қилинмоқда. Аммо, бу соҳада нимагадир ижобий ўзгаришлар бўлмапти.

Тошкент шаҳар прокуратураси ана шу саволга жавоб топиш мақсадида пойтахтимиздаги бир неча кутубхоналар фаолиятини ўрганди.

Бектемир туманидаги 2 та кутубхона текшириб кўрилганда, шўрлар мафқураси ҳоқида хикоя қилувчи адабиётлар жавонларни ҳамон «бе-за» турганлиги аниқланди. Нурхона маъмурияти ханузгача бу китобларни нима мақсадда сақлаб келаятганлиқларини ҳам тушунтириб бера олмади. Наҳотки, салкам саккиз йилдан бери бу кутубхоналарни қайтодан жиҳозлаб, ўзбек адаблари ва

шoirларнинг асарлари билан тўлдиришнинг иложи бўлмасми?

Чилонзор туманидаги 3-сонли кутубхонадаги манзарани кўриб, ёқа ушладик. Бу ердаги китобларнинг асосий қисми рус тилидаги адабиётлар экан. Энг қизиғи, М.Горькийнинг «Она» романи, Н.Островскийнинг «Пул қандай тобланда?» асарлари кўз қорачиғидек асралмоқда.

Шайхонтоҳур туманида кўллаб улуғ алломалар, таниқли ёзувчи ва шoirлар етишиб чиққан. Бир сўз билан айтганда бўлса, маданият ва маънавий маркази сифатида бошқа туманларга намуна бўлган. Эндиликда эса, тумандаги кўпгина кутубхоналарнинг авария ҳолатига тушиб қолганиги киши дилини ранжитмоқда. Ушбу туман йилдан-йил гўзаллашиб бормоқда. Агар бу ерда гўзал бир кутубхона қурилса, нур устига нур бўларди.

Бугунги куннинг ориқли муаммоларидан бири - ёшларни миллий кадриятларимизга ёт, ўзгалар мафқурасига хизмат қилувчи китоблардан холос қилиб, истиқлолимизга ва маънавиятимизга хизмат қилдиган кутубхоналарга етаклаш вақти аллақачон етиб келди. Бунинг учун барча бир ёқадан бош чиқариши керак. Ҳар бир ота-она ўз фарзандларини бозорларга эмас, балки кутубхоналарга бошламоқлари зарур. Зеро, зиёга интилган халқнинг келажаги буюқдир.

Латиш ёзувчиларидан бири «Китоб энг олиз ва зимистон ўмр йўлларида инсонга нур бағишлаб турувчи сеҳрли чиқроқдир», деган эди. Бу ҳикмат мағзини айрим мутасадди раҳбарлар тушуниб етар деган умиддами.

У.ЖАЛОЛОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси

бўлим бошлиғи.

З.МАМАДАЛИЕВ, «Хуқук» мухбири.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

ОҚИБАТИ ДЕҲҚОНГА ЗИЁН КЕЛТИРМОҚДА

доти туғанга ва фойдаланишга яроқсиз бўлган 3 та трактор ҳамда 23 та пахта териш машиналарини жами 1 миллион 160 минг 502 сўмга сотиб олган. Устига-устак жамият балансида бўлган яна 2 та тракторни кўшиб, жами 1 мил. 184 минг 172 сўмлик техника ҳисобдан чиқариб ташланган. Ана шундай йўл билан ҳиссдорлик жамиятига кўп миқдорда моддий зиён етказилган. «Менинг чўнтагимдан чиқибди, кетса давлатнинг пули-да», деб ўйлаб юрган машина-трактор парки раҳбари И.Юсупбоевга нисба-

тан жинойи иш қўзғатилди. Қорхонадаги ишлаб чиқариш жараёни билан чуқурроқ танишганимизда, раҳбарларнинг масъулиятсизлиги туфайли кўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка ҳам йўл қўйилаётганлиги аён бўлди. Таъмирланиб, мавсумга шай қилинган техника воситалари ва тракторларнинг сонини туман иқтисодий ва статистика бўлимига ошириб ҳисобот бериш ҳоллари учрайди. Шунингдек, ҳиссдорлик жамиятида тегишли сертификат олмадан эҳтиёт қисиларни ишлаб чиқаришга киришилган.

Бу ҳолатлар юзасидан қорхона бош муҳандиси Н.Урозметовга нисбатан ҳам маъмурий иш қўзғатилди.

Ҳиссдорлик жамиятининг амбор мудири К.Омонбоевнинг моддий жавобгарлигида бўлган ёнилги-мойлаш материалларидан жами 870 сўмлик камомод аниқланди. Текшириш давомида келтирилган зарар тўла қолланди. Ёнилги-мойлаш материаллари К.Омонбоев томонидан ўз фойдасига ўзлаштириб юборилганлиги боис, унга нисбатан МЖТКнинг 61-моддаси 1-қисми билан маъ-

мурий иш қўзғатилиб, ҳужжатлар судга ўтказилди.

Жамиятга қарашли бўлган тракторларни гаражда эмас, ҳайдовчиларнинг ўйларида сақлаш ҳолатлари одат тусига кириб қолаяпти. Ҳатто, тракторчи С.Эшимов таъмирлаш зарур бўлган техникани ўзи ўйда - эҳтиёт қисиларнинг зонглишига қарши герметизация қилмасдан сақлаётганлиги боис, қорхонага 5335 сўм зарар келтирилган. Бу зарарни ундириш ҳақида тракторчи С.Эшимов ва жамият бош механиги Р.Сатторовга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланиб, судга даъво аризаси киритилди.

К.НУРМЕТОВ,

Янгибозор тумани прокурори,

адлия катта маслаҳатчиси.

• Хат тахрирсиз босилмоқда

Болалар сонини кўпайтириб, етим қилиб ташлаб юрган одамга худо бир кун жазо берар, лекин қонун-чи?!

Уша ерда яшадик, кичик ўғлим уша ерда туғилди. Менинг дадам учала боламни ўйлаб, яшаётган жойимиз бизга тўғри келмаётгани учун квартира олиб берди. Мен бу вақтда учинчи болам билан декрет отпусказида эдим, биз 1987 йил 20 октябрда ҳали тўла битмаган уйга кўчиб ўтдик.

Шундан кейин эрим айниш бошлади.

1988 йил январ ойида уйдан кетиб, ота-онаси билан яшай бошлади. Мен эса бир-бирдан ёш 3 та бола билан қолдим. Уч ойдан сўнг жамоатчилик аралашуви билан эрим қайтиб келди, бу вақтда отаси оламдан ўтган, онаси эса оиланизи бунзи учун тинмай ҳаракатда эди. Биз ўша катта ҳовлига бориб бирга яшайлик десам, унга кўнмас эди. 1988 йил август ойида яна уйдан кетди, 1,5 йил деганда суд орқали ярашиб, 1990 йил 30

Қобилжонни поезд уриб кетди. Оғир тан жароҳати олган ўғлимни, травматология бўлимига тезлик билан ётқиздик. Хуоднинг кудрати билан болам тирик қолди.

Ўғлимнинг мияси қаттиқ чайқалиб қолган эди. Сентябрь охирида уйга руҳсат беришди, лекин бола ҳали унча ўзига келмаган, нозик эди. Ўғлимни докторлар тавсияга кўра поезд йўлдан узокроқ - ота-онамикига олиб келдик, мен эса яна қайнонамнинг хизматига кетдим. 1996 йил 10 октябрда эрим ичиб келиб, онаси иккаласи мен билан роса урушиди, юрагим ёмон бўлиб қолди. Орамит бузилди.

Шу ўтган 2,5-3 йил ичида боламни оёққа кўйиш учун ҳеч нарса қилмади. Ўғлим ҳар уч ойда даволаниб туради, бунга анча пул керак.

Отасининг эсига эса ҳеч ҳам келмайди, бери марта бўлсин келиб хабар олгани йўқ, онасиникида яшаб юрибди. Яқинда учинчи марта уйланди, ҳозирда хотини ҳомилдор, етимлар сони яна биттага кўпаймоқда.

Болалар сонини кўпайтириб етим қилиб ташлаб юрган

ми ёпилгандан кейин қайнонам суд орқали бизни ажратиб юборди. Уларнинг мақсади шу эди, чунки ўзлари ёлғиз уйни қуриша олмас эди.

Мен ўғлим оёққа турганидан кейин, 1998 йил август ойида болаларим билан ўша ер участкамизга бордим ва қўшнилари гувоҳлигида қайнонам, эрим билан гаплашдим. Ўғил-қизларимиз катта бўлиб қолишганини, ҳадемай уларни ўйлашимиз, қизимни кўёвга узатишимиз, бунинг учун эса уй-жой кераклигини айтдим. Ахир мен аёл кишиман-ку. Қандай қилиб ёлғиз бошим билан шунча ишларни қила оламан?! Мен жуда кўп кутдим, эрим ҳеч бўлмаса болалари учун уйнинг 2хонасини битказиб берармикан дедим. Лекин афсус, аксинча бўлди. Она-бола бизни қўшнилари, маҳалла кўмитаси раиси олдида қаттиқ ҳақорат қилиб, ўз қонуний ўйинидан ҳайдаб чиқаришди, ҳеч кимга қулоқ солишмади. Судга бер, сен билан фақат суд орқали гаплашамиз, деб туриб олди. Мен қон йиғлаб қайтиб келдим ва судга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Ахир квартира

БТИ арзон баҳолаган деб ишни чўзиб юборди, бозор баҳосида баҳолаб келасан, деб оёқ тирай бошлади. Маҳалладан уч-тўртта одам иштирокида ер участкаси 658300 сўм деб, квартира 330 миң сўм деб баҳоланди. Судья қандай қонун, қандай ҳужжатга асосан бундай йўл тутди, буниси менга қоронғу. 10.500 сўм қарз ҳали бўйнимда. Суднинг 1998 йил 30 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан ер участкаси менга, биз ўтирган дадамнинг номидаги квартира эримга берилмади деган бўлди. Квартира менинг номида бўлмасан, давлат нотариал идораси тасдиқлаган ҳужжатга асосан дадамнинг номида бўлса, нахотки суд давлат идораси ҳужжатини ҳам тан олмаसा?! Мен бу қарорни 1999 йил 29 мартда олдим. Судья фақат бир ерда болаларим учун одамгарчилик қилиб кетибди, рўзгор буюмлари бўлимасини, шуларнинг ўзида қолсин, деполли, шуларига ҳам раҳмат. Учала фарзанд ҳам, уларнинг тарбияси ҳам, келажаги ҳам, ўқини ҳам, касалию-соғлиги ҳам ёлғиз мендалиги инобатга олинмаган.

Шу қарорга асосан мен яна бозор нархида баҳоланган ер участкаси учун давлатга 55484 сўм бож, эримга 164150 сўм ўртадаги фарқни тўлашим керак экан. Бераҳм ота ўз болаларидан ҳам ўтирган уйини тортиб олиб, ҳам пулини олиб, ҳам уйлик, ҳам пуллик бўлиб олар экан-да.

Хуқуқни ҳимоя қилиш органлари шундай йўл тутганидан кейин, мен кимга арз қилиб, кимдан маод кутаман?

Эрим суднинг ҳал қилув қарорини олганидан кейин, вилоят судига ариза ёлди.

Ҳал қилув қароридан кейин мен хонавайрон бўлаётган, лекин эримга бу ҳам кам экан. Эримнинг мақсади тайин: ер участкасини ўзларида тўлалигича олиб қолиб, биз ўтирган дадамнинг номидаги квартирани ҳамда рўзгор буюмларини бўлиб олиш, лекин бирорта фарзандини эмас. Фарзандлар келажаги уни қизиқтирмайди, чунки бола топиш унинг учун осон нарса, кейинги олган хотинларидан ҳам биттадан болалари бор.

Марпатхон УРАЙМОХУНОВА, Андижон вилояти, Кўрғонтепа тумани, Хонобод қишлоғи.

ҚАРОР

Ассалому-алайкум, ҳурматли газета ходимлари!

Мен бир неча йиллардан бери сарсон-саргардон бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмаётган бир муштипар аёлман. Мен бу можаро юзасидан жуда кўп одамларга мурожаат қилдим, лекин аниқ бир маслаҳат ола olmadим. Кейин сизларнинг «Қонун ҳимоясида» журналингиз қўлимга тушиб қолди, сизларга мурожаат қилишга қарор қилдим, охириг умидим сизлардан. Менинг хатимни ўқиб чиқишингизни ва ёрдам кўрсатишингизни сўрайман.

1982 йил Холиқов Аббос билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурдик. Биргаликдаги турмушимиздан уч нафар фарзандимиз бор.

Биз жуда қийинчилик билан турмуш кечирдик. Қайнотамиз қайнонамнинг тинимсиз тазийқи, аралашуви билан турмушимиз бир неча бор бузилди. Аниқ бир айбим йўқ, сабабсиз ота-онамикига кўп марта ҳайдаб юборишди, яна маҳалла-кўй аралашуви билан 4-5 ойдан кейин олиб келишди. Учала болам ҳам шундай борди-келдилар билан дунёга келди. Мен уч нафар фарзандим келажагини ўйлаб, уларни етим қилиб қўймаслик учун ҳамма нарсага чидадим. Лекин эримда оила муқаддаслигини тушуниб етиши, болалар олдидаги оталик бурчи ва масъулиятини сезиши деган туйғу етишмас эди. Қайнота-қайнонам бизни 1986 йил 30 январда уйдан бутунлай ҳайдаб чиқаришди, мен ўшанда учинчи боламга оғирроқ эдим.

Иккита болам қаттиқ оғриб, мен улар билан касалхонада ётган эдим, кўчларимни ота-онамикига олиб келиб ташлашди. Ота-онам яна шу болаларим етим бўлиб, кўнгли ярим бўлиб ўсишмасин деб, эримнинг миңе марталаб ичган қасамларига ишониб, сув қурлиши жиҳозлари қомбинатига (ВСМ) қарашли ётқонохга бориб яшанимизга рози бўлишди. Биз 1,5 йил

КИМНИНГ ФОЙДАСИГА?

январдан яна бирга яшай бошладик. 1994 йил август ойида уйдан яна чиқиб кетди. Бу сафар оиламиз бузилишига онаси билан бирга акаси қаттиқ ҳаракат қилишди ва 1995 йил 11 апрелда Хонобод шаҳар суди томонидан унинг аризасига биноян ўртамиздаги никоҳ бекор қилинди.

Мен суд раисига жуда кўп ялдиндим, болаларимни етим қилманг, отаси ўзи тарбияласин деб ёлбордим, лекин менга ҳеч ким қулоқ солмади. Чунки бу вақтда эримнинг акаси шаҳар ҳокимиятида катта лавозимда ишлар эди.

Шундай қилиб уч бола тирик етим бўлиб қолди. Эрим эса бизни сира тинчитмас эди, кечалари келиб маст ҳолатда эшикмишни тегиб, мени ҳақорат қилар, болаларни қўрқитар эди. Бирга яшаб юрганамизда еган калтақларим, кечирган оғир кунларим унутилмай туриб, булар менга жуда оғир эди.

1995 йили август ойида у иккинчи марта уйланди, лекин хотини уларнинг, яъни она-боланинг муомаласига чидамай 1,5 ойда кетиб қолди, лекин ҳомиладор эди, ўғил туғди. У ҳозир бошқа эр билан яшайпти. Шундан кейин қайнонам билан эримнинг кўзи очилди ми ёки исофга келишди ми, бизни яраштирмоқчи бўлишди, лекин мен кўнмадим. Уртага яна каттаю кичик аралашди. Болалар тақдирини ўйлаб, ярашишга мажбур бўлдим, биз қайнонамникига бориб, 1996 йил 23 апрелдан бирга яшай бошладик. Лекин мен ярашиб қаттиқ адашган эканман, чунки ўша вағво, ўша қайнона, ўша эр - ҳеч нарса ўзгармаган экан. Лекин болалар учун яшашга мажбур эдим. Биз август ойидаги катта бирга яшадик, 18 август кунини катта ўғлим Холиқов

одамга ҳам худо бир кунни жазо берар, лекин қонун-чи?

Мана, беш йилдирик, болаларим отасиз ўсалди.

Биз эрим билан бирга яшаб турган давримизда собиқ Фрунзе номи совхоздан ер участкаси эрим Холиқов Аббос номига берилди. Ота-онамнинг ёлғиз қизи бўлганимиз учун топан-тутганларини бизга беришди. Укам шофёр, ҳамма нарсани ўзи олиб келиб бериб турди. Амаким эса цемент, оҳақ, қум, нимашки керак бўлса олиб берди, мақсад - бир уйнинг эгаси бўлиб, тинч яшашимиз эди. Амаким ҳатто биз учун устанни ўзи топиб, ўзи пулини тўлади.

2-3 йил қўйналди, пойдевордан томини ётшигача бўлган ишларни бажардик. Уйнинг то-

дадамники бўлса, болаларимга битта ватан керак-ку. Мен бу ер участкасидан ҳаққимизни ундириб беришни сўраб, судга ариза бердим. Лекин эрим участкани ҳам бермайман, ўтирган квартирангни, рўзгор буюмларни ҳам бўлиб оламан, деб судга иккита ариза берди. Менинг аризам нима учундир жуда кеч, яъни 1998 йил 29 октябрда рўйхатга олинган. Судья бизни аризам билан биргаликда ҳужжатга асосан уйнинг умумий суммасининг 20 фоизини давлат босиб қилиб тўлаганимиздан кейин ишимизни қўришни айтди. Йиғлаб юриб қарзга пул топдим ва тўлаб келдим. Шундан кейин судья бошқача йўл тута бошлади. Уй бозор баҳосида баҳолагани керак,

ТАХРИРИЯТДАН

Уч фарзанднинг онаси М.Ураймохунованинг ушбу мактубини ўқиганимизда кўнглимизда изтироб йўғонди. Аввалоги бу дардли хатни газетода чоп этишга иккиландик. Лекин унда кўтарилган оилавий масалалар бугунги кунда ҳам кўп-чиликни тошвишлатириётганини сир эмас. Айниқса оилавий кўйди-қандилар, мулк низолари, етим қолган болаларни тарбиялаш муаммолари ва қийинчиликлари ҳали оз эмас. Мавзунинг маънавий-тарбиявий аҳамиятини назарда тутган ҳолда, мактубни айрим кискарттиришлар билан тахрирсиз эълон қилдик.

Ҳар бир фуқаро оқил ва холис судловни талаб қилишга ҳақлидир. Лекин биз ҳатда келтирилган барча вазлор асосли, деган фикрдан мутлақо йироқмиз. М.Ураймохунова суд қароридан норози экан, бу қарор устидан юқори босқич судига шикоят ёзиш ҳуқуқига эга. Унинг вазлори қанчалик тўғрилиги фақат юқори босқич суди қонуний баҳо бериши. Аммо уни тахририятга мурожаат қилишга ундаган яна бир ҳолат бор: бозор эрхаклар ўз оталик бурчи ва масъулиятини унутиб қўймаптиларми? Ҳатда ёзилишича, унинг

собиқ турмуш ўртоғи биринчи турмуши бузилган, яна икки бор уйланган ва ажралишган. Етим болалари сони эса кўпайган. Бу каби эрхакларнинг масъулиятсизлиги етқакловчи сабабларнинг илдизи қаерда? Маънавий кашшоқликда эмасмикин? Бундай саволлар устида боз котириласак, тўғри ҳулосалар чиқормасак, юракларда маънавий бўшлиқ пайдо бўлиб қолмайдими?

Оилавий ажралишлар ортидан яна кўплаб муаммолар келиб чиқади. Турмушнинг тоши эса айниқса аёллар зиммасига оғир юк бўлиб туради. Турмуш юқини ёлғиз аёлларимиз қўтар оладими? Саволларимиз кўп. Юқорида М.Ураймохунованинг мактуби билан танишиб чиққан газетхонларимиз кўнглида баъзи фикр-мулоҳазалар тақлифлар туғилган бўлса ажаб эмас. Келинг, бу мавзуда хот йўллаб, маод ва маслаҳат сўраётган аёлларимизга тўғри йўл кўрсатайлик. Сизларнинг мактубларингиз қолтаб, енгилтабтият, оиласиз, фарзандига қайишмайди айрим қимсаларнинг кўзини оқса нежаб. Хатларингизни кўтамай.

• Учрашу

МУНОСАБАТ БИЛДИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Қобилжон Қирғизалиевнинг Термиз шаҳрида Сурхондарё вилоят темирйўл ташкилотлари, Термиз аэропорти, Термиз дарё порти, божхона, хўжалик суди раҳбарлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Қ.Қирғизалиев «Транспорт ташкилотлари ва транспортда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг Республика Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» маъруза қилди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида 16 феврал куни содир этилган мудҳиш воқеаларга ўз муносабатларини билдирди. Учрашувда Термиз транспорт прокурори Уктам Бўриев, Термиз юк ташвиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш дирекцияси бошлиғи Отабек Рахимов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Учрашув йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Курбон ЖўРАНАЗАРОВ,
«Хуқук» мухбири.



Айни вақтда бутун мамлакатимизда паспорт тизimini таксо-миллаштириш тўғрисидаги Президент Фармони ва шу асосдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижросининг бажарилишига жиддий эътибор беришмоқда.

Суратда: Қашқадарё вилояти, Чирчиқ тумани ички ишлар бўлимининг паспорт бўлими бошлиғи А.Абдулазизов фуқаро Г.Эамбердиевага янги паспортни топшираётган.

А.ПАРДАЕВ сурати.

• Прокурор назорати

МУАММО ЎЗ ЁЧИМИНИ ТОПМАСА... БОШҚА МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИКАРАДИ

Мустақиллик ҳар бир фуқаронинг эркин меҳнат қилиши учун кенг фаолият майдонини очиб берди. Жумладан, ҳар бир фуқаро ўз билими ва малакасидан фойдаланиб, мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди. Лекин, фуқароларимиз бу имкониятдан тўғри фойдаланаяптими?

Мамлакатимизда ягона бўлган «Навоийэлектротехника» ҳиссадорлик жамиятининг тақдирини У.Шариповга ишониб топширилган эди. Лекин Шариповни жамиятнинг тақдирини эмас, кўпроқ ўз чўнтағи қизиқтирди. Корхонада анча йиллардан бери иш тўхтаб, юзлаб ишчи ўринлари қисқариб кетди. Корхонанинг қарздорлиги эса ортгандан-ортиб борди. Шунга қарамай, У.Шарипов қандай бўлмасин ишни юритишни ўйламасдан, ўтган йилнинг 1 январь ҳолатигача бўлган 14831 минг сўмлик дебитор қарзларни ундириб олиш ўрнига муддатини ўтказиб юборди. Бунинг устига, ўзбошимчилик билан бу қарзлардан ҳиссадорларнинг розилигисиз воз кечиб, корхонанинг умумий зарарига қўшиб юборди.

«Ўтириб қолган» ҳиссадорлик жамиятидан фойда олишни ҳаёлига ҳам келтирмай қўйган ҳиссадорлар жамият раҳбарининг бу қирқдорларига эътибор ҳам беришмади. Бу эса раис учун айни муддао бўлди. У 1997 йилнинг май ойида ҳиссадорлик жамияти қошида масъулияти чекланган «Пакет» жамиятини тузиб, унга ўғли У.Шариповни директор қилиб қўйди. Ота-бола тадбиркорлар дарҳол ишга киришиб кетди. Ота «тадбиркор» корхонага тегишли бўлган 6 та резерварни ўғлининг жамиятига

сотиб ҳақида шартнома тузди. Шундай қилиб, «Пакет» жамияти корхонадан 1 мил. 460 минг сўмлик резерварларни сотиб олди-ю, шу заҳоти Навоий нефть маҳсулотлари ҳиссадорлик жамиятига 2.500926 сўмга пуллаб юборди. Корхона олиши мумкин бўлган 1.040.926 сўмлик фойда эса, тўғридан-тўғри «Пакет» раҳбарининг чўнтағини қап-пайтирди.

«Пакет» жамияти томонидан сотиб олинган катта сифимдати 6 та идишни таъмирлаш учун Навоий шаҳрида яшовчи 9 нафар фуқаро билан вақтинчалик шартнома тузилади. Афсуски, тергов жараёнида мазкур фуқаролар бунақа шартнома тузилганидан умуман беҳабар эканлигини айтишди. Бу идишларни таъмирлатиш учун Хоразм вилояти Хива шаҳридаги «Толиб маҳсум» фирмаси билан ҳам шартнома тузилиб, улардан электрод ва темир маҳсулотлари олиш учун 1085300 сўм пул ўтказиб берилди. Суриштирув жараёнида эса бу шартнома Хоразм вилоятидаги биророта солиқ идорасида ҳам, банк маюсасида ҳам қайд этилмаганлиги ва «Толиб маҳсум» фирмаси директори К.Сафоевнинг «Пакет» жамиятига ҳеч қанақа маҳсулот бермаганлиги аниқланди.

Давлатнинг, халқнинг мулкани талон-тарож қилишда «Туркистон» хусусий фирмаси раҳбарининг тадбиркорлиги ҳам У.Шариповникидан кам эмас экан. Фирма раҳбари З.Жумаева вилоят Меҳнат биржасидан 35 та янги иш ўринлари яратиш мақсадида 30 фоизлик йиллик устама билан 6 миллион сўм қарз олади. Бу қарзлар 1998 йилнинг 30 июнига қадар фоизлари билан қайтарилиши шарт эди. Лекин на янги иш ўринлари яратилди, на устама

• Оғрик нуқталар

Суд жиноятчиға жазо тайинлашда ушбу жиноятнинг жамият учун хавфлилик даражасини, ишнинг ҳолатини ва шу билан бирга, судланувчининг уч нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, жабрланувчи (хотини)нинг маълум даражада шу жиноят содир бўлишига сабабчи бўлганлигини эътиборга олди. (Суд хукмидан).

Ораимизда учраб турадиган ёлланиб ишловчилар ҳақида кўп эшиттасиз, албатта. Ёлланма ишчи - иш одами демас. У маълум ҳақ эвазига шахсий хонадонларда иш бажаради. Унинг иш вақти чегараланмайди, сабаб - тирикчилик. У қанча тез иш қилса, эрта уйига қайтади. Иш излаб, ёлланиб ишлаб юрган аксарият меҳнатқаш, ҳопол-пок кишиларнинг йўлига оиласи интизор бўлиб ўтиришади. Бирок, уларнинг орасида эрининг юзига оёқ қўяётганлари ҳам учраб қоларкан... Қўхон депарасидаги кишлоқларнинг

юмушлари ҳам кўпайиб борди. Охир-оқибат Жасур ёлланиб иш қила бошлади.

1998 йилнинг октябр ойи охирига етганда. Ёз бўйи жонини жаборга бериб ишлаган Жасур бир-икки кундан буён уйда эди. Ҳовлида сугурги боғлаб ўтирганди, қўшниси Умид уларникига чиқди. Икки қўшни пича ҳангомалашиб ўтиришган:

- Маҳаллада бир гап юрибди, эшитдингизми? - деб қолди Умид.

Бир неча кундан буён кишлоқда бўлмай, янгиликлардан беҳабар юрган

ХОТИННИНГ ХИЁНАТИ ЭРНИ ЖИНОЯТГА БОШЛАДИ

бирида яшовчи Жасур Комилов (айрим сабабларга кўра исми ўзгартирилди) ҳам ёлланма меҳнат билан шуғулланарди. У кўпинча уйига келмай ишларди. Жасурнинг касби трамвай ҳайдовчиси бўлиб, тошкентлик Севарага кунгил қўйиб ўйланганди. Ородан йиллар ўтиб, улар уч нафар фарзандли бўлишди. Фарзандлар улғайиб, рўзгор

Жасур соддалик билан «Йўқ», деб қўяқолди.

- Халиги... - Негадир Умид тутилаверди. Бошлаган гапини давом эттиришга қийналди.

- Намунча чойналдингиз, нима гап ўзи? - Жасур ҳам янгиликни эшитишга ошиқиб қолди.

- Айтсам, қандоқ бўларкин? Хотиниз... Неъмат билан... - Умид чайнал-чайнала гапини тамомлади.

Кутилмаган бу гап Жасурни довлратиб қўйди... Узини аранг босди-ю, хаёлини қунондай қамраб олган бу воқеага ишонгиси келмади. Жасур оғир-вазминлиги учун қўшнисига қайтиб гапирмади. Домини ичига ютди. Умид тинимсиз гапирарди. Жасурнинг бадани жунжиб кетди. Гўё устига оғир нарса бостириб қўйилгандек эди. У сугуртини боғлашга ҳар қанча уринмасин, негадир ҳеч боғлаёлмаётганди. Жасурнинг тошдек қўйиб ўтирганини кўрган Умид гапиривериб чарчади шеклиги, ҳафсаласи пир бўлиб, чиқиб кетди.

Турли шубҳа-ғумонлар гирдобидо қолган Жасур алламоҳал бўлганини ҳам сезмай қолди. Негадир у шунча кунлардан бери хотинининг юриш-туришига ҳеч эътибор бермаган экан. У ёнида ётган Севарага бир оғиз ҳам гапирмади. Бўлган воқеаларни қўшни

• Огоҳ бўлайлик,

АРМОН

Насиба Ўринбоевлар хонадонига келин бўлиб тушган кунлари келинликнинг оппоқ орзуларини қилган эди. Бахтининг олтин тахтида, бир кучок фарзандлар оғушида ширин ҳаёт кечирини ният қилганди. Аммо тез орада бу орзулари сароб эканлигига, ҳатто қачондир ҳаммаси яхши бўлиб кетишига ҳам ишонгиси келмай қолди. Қайнонаси тез-тез жанжал чикарадиган, арзимас бир баҳона туфайли у билан уришадиган одат чикарди. Ишонгани, сунячик деб ўйлагани ўз эри ҳам бўлар-бўлмасга жанжал қикариб, ҳатто қўл кўтариш даражасигача етиб борди.

1998 йилнинг 27 феврал

Комилжон ЁРИЕВ,
Навоий шаҳар прокурори.

йигитнинг гуллаб кўйганидан беҳабар хотин эрталдагина эрига тескари ўғирлиб ўтлади. Тўнг сахарда ўйгонган Жасур яна хотинига синчиклаб назар ташлади. Ҳатто, хотиннинг уй юмушларига ҳам кўли бормоётганди.

- Севара, - деди кечадан буён сукут сақлаб юрган Жасур. - Сенга нима бўлди ўзи?

- Ким билсин, ўзимга ўзим тушунолмай қолдим, - деди Севара бошини эгиб.

- Одамлардан бир гап эшитдим... Шу ростми? Тўғриси айт, кўрганлар ҳам бор! - деди Жасур кескир биҳ оҳангда.

Эрининг бу сўзларидан Севаранинг юзлари лола янглик кизариб, бошлари эгилди. Худбин, чиркин уй билан тузатиб бўлмас хато қилганини англади.

Эр-хотиннинг умуман муросалари қочди. Узро гувоҳлар юзлаштирилди. Хиёнаткор хотин ҳам, у билан «юрган» кўшини йигит Невмат ҳам бўлиб ўтган воқеаларни инкор этишолмади. Қишлоқ одамлари орасида гап ётмади. Шунинг учун уларнинг ишқий сарғозитларидан кўпчилик хабардор бўлишганди. Ҳатто, бир куни ярим тунда Жасурнинг уйдан чиқиб кетаётган Невматни кўшиқлардан бири тўхтатиб, бу ишни бошқа такоррламаслигини уқтирган эди. Шунда хотини араллоб, онасиникига кетиб қолган Невмат:

- Нима қилай, бўйдоқчилик-да, - деб жавоб берганди.

Эр-хотиннинг жанжалига аралашган маҳалла оқсоқоли уларни муросаса қаққирди, насаҳат қилди. Лекин бу уринишлар кеч, гишт қолипдан кўчганди. Чунки, хиёнаткор хотинни Жасур кечиролмасди. Маҳалла оқсоқоли кетгач, эр хотинини уч талоқ қилди. Сала аталмиш салтанатдан ҳайдалган хотин, катта кизини етаклаб, «Эрталоб Тошкентга кетаман», дея кўшинисиникига чиқиб кетди.

Тўнг сахарда кўйлагини қидириб тополмаган Жасур ноилоҳи ҳабибаларнинг уйига чиқди. Минг афсуски, хотини уларникида йўқ эди... Қайси кўз билан кўрсинки, Севара кизини етаклаб, Икромнинг уйдан чиқиб келарди. Жасурнинг гумонлари янада ошди. Хотинига нисбатан дилида нафрат кучайди.

Уз хонадонига кирган Севара кийимларини йиғиштира бошлади. Чунки, аёлга ҳам бу хонадонда вақаш оғир эди. Кўз ўнгида бўлаётган воқеалардан аччиқланган Жасур хотинининг елкасидан ушлаб, ўзига қаратди:

- Тўғриси айт, менда кўнглинг бормиди? Уч боламиз хурмати айт, мени севганмидинг? - деди аламзада

нигоҳларини хотинига тикиб.

Севаранинг оиласидан, аниқроғи, эридан кўнгли совуганди. У эрининг гапларини писанд қилмай, кўзларига чақчайиб қаради. Шу чоғда Жасур ўзини ёв пойига тиз чўккан кўрқоққа ўхшатди. Ошпичоқни олиб, Севарага ташланди, «Хиёнатнинг жазоси шу», дея уни пичоқлади.

Жасур кўлидаги қон пичоқни ташлаб, ташқарига чиқди. Полда ётган Севара эса олган жароҳатидан доғларди. Эр-хотинни ажратишга кирган кўшчилар Севаранинг овозини эшитиб, унга ёрдам бергани югуришди. Электр ҳисоблагичнинг ёнига келган Жасур кўлини тоққа тикиб, ўзини ўлдирмоқчи бўлди. Так зорб билан отиб юборди-ю, унга ҳеч нарса бўлмади. Жонидан тўйган Жасур шахд билан томга чиқиб электр симини ушлади. Не ажабки, ажали етмаган экан, ўлмади.

Эх, дунё, дунё! Бунчалар ҳам шафқатсиз бўлмасанг-а?! Эр оилани боқаман деб, нотаниш одамларнинг кўзларига термулиб, дуч келган энг оғир ишдан ҳам бўйин товламай юрсаю, у ёқда эридан кўнгли совуган хотин айшини сурса! Бу икки манзарани бир қиёсланг-а.

Нима бўлганида ҳам Жасур тўғри иш қилмади. Чунки, кўлини қонга белади. Умр йўлдошининг жонига қасд қилган эр, уч фарзандини етим қилиб қўйишига бир баҳя қолганди. Яхшиямки, Севара тузалиб чиқди. Агар унга бирон нарса бўлганида уч фарзандининг ҳоли не кечарди? Бугун Жасур Комилонинг боши эгик, қалби изтиробда. Чунки, у хотинини ўлдирмоқчи бўлди. Бундай ўйлаб қаралса, ушбу воқеа содир бўлмаслиги ҳам мумкин эди-ку, дейиш мумкин. Лекин эр-хотин шуни англаб етмади. Эссиз, Жасур жиноятчи деган номни олиб, суднинг ҳукми билан 11 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Кечагина баҳорни ҳуснига қаратган, шафтоли гуллари монанд юзларидан нафосат тўкилиб, бир оилани бошқараётган аёл бугун тавқи ланнатга қолди. Агар у эрига хиёнат қилганида, бугунгидек жабру ситам чекиб юрмасди. Баъзан, бармоқ билан санорли бўлса-да, Севара монанд аёлларни кўрганимизда дилимиздаги нафратимиз янада ортади. Ҳа, шу ўринда Севарага қарата эринга кўнглисиз экансан, унинг топиб келганларини қандай ҳазм қилиб юрдиг, дегим келади. Аёллик шаънига доғ туширган бундай кимсалорга, тавқи ланнатлар бўлсин!

Ёрқиной КОСИМОВА, журналист.

• Ана, холос!

СИР ОЧИЛДИ

«Сенинг нафсининг балодир, ўтдан чўкка соладир», деган экан машоихлардан бири. Қаранг, ўша зотнинг бир оғиз қаломи йиллар, юз йиллар ўтса ҳамки халқ тилидан тушмай келаяпти. Аксинча, жуда тўғри ва топиб айтилган бу гап бора-бора машхур нақлга айланиб кетди. Аммо донолар ўғитини ҳар ким ҳам тушувермас экан. Бўлмаса ўзини дурустгина ишбилармон деб ҳисоблаб юрган, Тошкентдай шаҳри азим тadbиркорлари орасида катта эътибор қозонган «Хўжа-Совдосурта» сугурта агентлиги билан 7810,3 минг сўмлик А-4 форматли қозони сотиш тўғрисида шартнома тузилиб, пулнинг бир қисми, яъни 2371,3 минг сўми келиб тушган, бош ҳисобчиси Д.Азимовани хонасига чорлаб ҳисобкитоб қилиб кўрди. Қараса даромадининг мўмайгина қисми солиққа кетаяпти. Ана шунда уни шайтон йўлдан урди.

Аслида бундай қилмоқчи эмасди. Нафс курғур кўймади. Ушанда «Биржа-Совдосурта» сугурта агентлиги билан 7810,3 минг сўмлик А-4 форматли қозони сотиш тўғрисида шартнома тузилиб, пулнинг бир қисми, яъни 2371,3 минг сўми келиб тушган, бош ҳисобчиси Д.Азимовани хонасига чорлаб ҳисобкитоб қилиб кўрди. Қараса даромадининг мўмайгина қисми солиққа кетаяпти. Ана шунда уни шайтон йўлдан урди.

- Менга қаранг, индамай шунча пулни давлатга ўтказиб юбораверемизми? - деди бош ҳисобчига синовчан тикилиб.

- Қоидаси шунақа. Даромадининг белгиланган қисмини солиқ сифатида тўламасан ҳисоб-китоб вақтида...

- Э-э, нималар деялсиз. Ким айтади сизни бош ҳисобчи деб. Хусусий қорхона бўлганидан кейин, унинг ўз «сирлари» ҳам бўлади-да. Уларни иккалаимиздан бошқа ҳеч ким билмаслиги керак.

- Солиқ инспекцияси ходимлари сезиб қолишса иккалаимизнинг ҳам аҳволимиз чатоқ бўлади. Яна ўзингиз биласиз.

- Солиқчилар ҳам сиз билан бизга ўхшаган одамлар. Уларда ҳам болачака деганидек... Қолаверса, дунёда пулни ёқтирмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Йўлини қиламиз, келишамиз.

Воқеа ривожини худди Саидқабар Тальатович айтганидай кечди. Вақтисоати келиб давлат солиқ инспекцияси

ходимлари жамият молиявий ҳолатини текшириш учун ташриф буюрдилар. Бошбух уларни кутиб олди-ю, раҳбар ҳузурига ошиқди.

- Энди нима қиламиз, ишқилиб сиримиз очилиб қолмасмикан.

- Бу ёғини менга қўйиб бераверинг, - деди бошлиқ пинагини бузмай. - Улар билан ўзим гаплашаман.

Солиқчиларнинг кўнгли «анчагина бўш» экан. Бошлиқ яхшилаб «ҳосрат» қилганди, гапга тушунмишди.

- Айтмадимми, улар ҳам ўзимизга ўхшаган одам деб. Қонуний ишлашган деганининг бири икки бўлармиди. Жуда тушунадиган йигитлар экан, ҳаммаса жойида бўлди, - деди у солиқ ходимларини кузатгач. - Энди ими-жиммида қорхонани ёпиб, янгисини очиб ҳаракатини қилиш керак.

Масъулияти чекланган жамиятнинг икки нафар раҳбари оғзи қулгонда юрган кезлари улар фаолиятини прокуратура ходимлари текшириб қолдилар. Улар билан ҳам ўз «усулида» гаплашиб, ишни силлиқина битирмоқчи бўлган бошлиқ шошиб қолди. Шунча уринса ҳам дардини сира тушунтира олмади. Хуллас...

Хуллас, раҳбару бошбух устидан жиноят иши қўзғатилди. Кўп ўтмай улар қаторига туман давлат солиқ инспекциясининг икки «кўнгли бўш» ходимлари ҳам қўшилди. Устаси форанг тadbиркорнинг режаси бузилди. Текширувчилар солиққа тортилмай қолган фойдани қасддан яшириб қолганликлари ва давлатга бунинг оқибатида катта миқдорда зарар етказганликларини тушунтириб қўйганларидан сўнг удабуронликдан асар ҳоқ қолмоди. Хўжжатларни ўзича «қойиллатган» бош ҳисобчининг боши эгилди қолди.

- Энди бу ёғи нима бўлади? - деди кўзлари жовдираб.

- Қонунда қандай бўлса, шундай бўлади, - деган қисқа ва лўнда жавоб эшитди.

Шу тариқа икки тadbиркор ва икки солиқчи билган сир ошкор бўлди...

Б.БЕКНАЗАРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
умумий назорат бўлими
прокурори.

одамлар

БЎЛГАН ОРЗУЛАР

куни Насиба турмуш ўртоғи Шовкатдан ота-онасини кўриб келиш учун рўхсат сўради. Шовкат эса рўхсат бериш ўрнига уни ҳақоратлаб, турли курақда турмас сўзлар билан «қўқ», қадр-қимматини ерга уради. Ҳа, шундоқ ҳам камситиш ҳақоратларга базўр чидаш бериб келаётган Насиба 29 февралга ўтар кечаси ўз жонига қасд қилди.

Бу муҳдис воқеадан барча оила аъзолари саросимага тушиб қолишди. Нима қилиш керак? Уйлаб-ўйлаб уни уйда доволашга, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликка келишиб олишди.

Насибани 9 кун довомида

турли дори-дормонлар билан ўзларича доволашди. Бироқ кундан-кун унинг аҳоли оғирлашиб борарди. Ниҳоят, ота-онасига хабар беришди. Ҳа, кизини оғир аҳволда кўрган ота-она худлик билан Насибани касалхонага олиб боришди. Бироқ оғир аҳволда келтирилган Насиба 12 март куни касалхонада вафот этди.

Судда Шовкат ўзини оқлашга, гуноҳсиз қилиб кўрсатишга уринди. Бироқ Насибанинг ўз жонига қасд қилганини яширгани, уни худлик билан касалхонага олиб бормагани, 9 кун мобайнида шафқатсизларча уйда сақлаганининг ўзи ҳам унинг айбдор эканлигига

етарли далил эди.

Бир ҳисобдан Насибани оқлаб бўлмайди. Чунки у ҳаётдаги қийинчиликлар, турмушнинг аччиқ синовлари олдида ожизлик қилди. Унинг ортидан эса «Болам, жигарим», дея фарёд чекиб қолганларга қийин бўлди. Энди унинг жажжи қизалоғи ҳар тун тушларида «аяжон» деб алоҳисраб чиқадиган, бир умр она меҳрига зор бўлиб ўтадиган бўлди.

Оқўрғон туман суди барча тафсилотларни ўрганиб чиқиб, Шовкат Уринбоевни Насибани ўз жонига қасд қилиш даражасига етказганлиқда, ҳаёти ва соғлиғи ҳовф остида бўлган шахсга ёрдам бермаганлиги оқибатида унинг ўлимига сабабчи бўлганлиқда айблаб, 7 йилга озодликдан маҳрум этди.

Насибанинг аянчи қисмати кўпчиликни ўйга толдираса ажоб эмас. Бироқ, бу воқеа содир

бўлмаслиги ҳам мумкинмиди? Уларнинг ўзаро муносабатидан кўни-кўшни, қариндош-уруғ, қолаверса маҳалла аҳли беҳабармиди? Йўқ, албатта. Него кейинги пайтда бу каби оилавий мажораларга безътибор бўлиб қолди? Нераки, ўзимизга ортиқча ташвиш орттириб олишимиз мумкин. Аммо бошимизга тушиши мумкин бўлган нарсани бошидан ўтказоётганга қараб қандай жим тура оладимиз?

Одатда биз инсонлар гишт қолипдан кўчгандан сўнг оҳвоҳ урамиз, афсус-надоматлар қиламиз. Унинг олдини олиш хусусида эса жиддийроқ бош қотирмаймиз. Фожиаларимизнинг илдизи ҳам ҳам шунда эмасмикан?

Нурмухаммад РАҲАТОВ,
Республика прокуратурасининг
бошқарма прокурори.
Ж.ШАРОҒБОВ, «Хўқ» мухбири.

ЎЛИМНИ ИСТАБ...

Американинг кўплаб қамоқхоналарида маҳбуслар ўрта-сида сўров ўтказган тadbиркорчиликлар яқинда жавобларга таянган ўзларининг яқини ҳулосаларини матбуотда эълон қилишди.

Маълум бўлишича, ўлимга маҳкум этилганларнинг деврли тўхсон фоизи тезроқ жазо ижро этилиши истагида эканини билдиришган.

Улардан нима учун бундай қарорга келганликларининг сабаби сўралганда, авф этиш оқлари ниҳоятда узоқ вақт кўриб чиқишлини, бир жойда доимий равишда кўрқув ва каттик ўй тасвирини яшаш жуда азоб эканлигини таъкидлашган. Қамоқхоналардаги шарт-шароитлар хусусида эса айторли салбий фикр билдиришмаган.

• Жиноий тўданинг тугатилиши

Бу гуруҳ фаолияти ҳам бошқа жиноий гуруҳлар фаолиятдан деярли фарқ қилмас, фақат икки жиҳати билан улардан ажралиб турарди. Биринчидан, тўдабошини ҳисобга олмаганда гуруҳ аъзоларидан биронтаси хали ўғирлик кўчасига бош сукиб кўрмаган, иккинчидан - уларнинг «орқаси тоза», яъни суднинг қора курсисига ўтиришга улгуришмаган эди. Ушбу гуруҳ шунинг учун ҳам анча вақтгача изқуварлар назаридан четда қолиб, жиний ҳаракатларини давом эттиришга муваффақ бўлганди. Олибсатарликни йўлга қўйиш мақсадида Ижод исмли шахсдан устама фозис билан 8000 АҚШ доллари миқдорига қарз кўтарган Шерали, Адҳам ва Баҳодир исмли йигитларнинг бозорлари бароридан келмай қарзга ботиб қоладилар. Учаласида ҳам қарзни қайтаришга пул топилмайди. Шундай қўнларнинг бирида улар ўғирликнинг ҳадисини олган Кавказ лақабли йигит билан танишиб қолишади. Кавказ ўзининг таъсир доирасига тортиш мақсадида уларнинг қўнига қўл солиб кўради: «Қарздан қарз олиб қутулиб бўлмайди. Бозорларнинг ҳам «синиб» бўлган. Бўйиндаги сиртмоқдан қутулишнинг энди фақат биттагина йўли бор - бойвачча одамларнинг уйига ўғирликка кириш. Шу таклифга рози бўлсаларинг, ишларинг беш бўлишига мана, мен кафил. Бошқа йўлини билсаларинг, унда ўзларинг биласанлар...»

Йигитлар учун бошқа йўл йўқ эди, гўё. Шундай қилиб, улар Кавказнинг изидан эргашиб, яхшигина уюшган жиноий гуруҳни ташкил этадилар. Тўдабоши уларни ўқ отар қуроллар, газли тўппонча, ясама пичоклар ҳамда юзга туттиладиган никоблар билан таъминлайди. Кавказ ихтиёрсиз кулларига айланган йигитларга тегишли йўл-йўриқлар қўрсатгач, қуйидаги биринчи топшириқни беради: Эндиги вазифаларинг бойвачча одамлар яшайдиган хонадонларни қидириб топиш ҳамда уларнинг шарт-шароитини ўрганиш.

Сағбон кўчасида яшовчи Абдугани отани нафақат Эски шаҳарликлар, балки кўпоб пойтахтликлар ҳам заргарликнинг ҳадисини олган уста сифатида яхши билишади. Кўзи кўчган узук ёки исирғами, узилган занжирми устанинг қўлига тушса бас, яна ўз ҳолига қайтади. Шу сабаб, отанинг уйдан миқозларнинг кети узилмайди.

Баҳодирнинг топган «ўлжаси» шу бўлди. Бу ҳақда Кавказни хабардор қилиб, «уста тилла буюмларни таъмирлаш билан шуғулланади, анча-мунча тиллаларни йиғиб қўйишга улгурган бўлса керак», дейди. Шундан сўнг, гуруҳ аъзолари Кавказнинг курсатмасига биноан заргарнинг ҳовлисини ҳар томонлама ўрганишади.

1995 йил, 20 сентябрь.
Ярим тун. Сағбон кўчаси бўйлаб шарпасиз келаётган олти қимса, кўк рангли қўш табақали дарвоза олдида тўхташди. Бир муддат атрофга кўз югуртиришгач, улардан бири ёнидаги спортчилар сумкаси-дан қоп-қора никобларни қўлига олди. Тўрт киши юзига никоб тутди. Никобдоғилардан бири осонлик билан девордан ошиб, ҳовлига тушди-да, ичкаридан тамбалаган дарвозани қия қилиб очди. Никобдоғиларнинг қолганлари ҳам ўзларини ичкарига уришди. Пойлоқчилик қилиш топширилганлардан бири дарвоза ёнида қолди, иккинчиси эса кўчанинг бошига юрди.

Никобли шарпалар бир-бир қодам босиб, дарвоза рўпарасидаги биринчи хонага кирдилар. Эшикнинг ёчирлашидан чўчиб ўйонган устанинг ўғли Абдул шундоққина тепасида юзига қора никоб тутган қимсаларни кўриб, чиқибди юборди. Унинг овозидан уқаси Алибек ҳам уйғониб кетди. Никобдоғилардан бири Абдулни нишонга олиб, тепкени босди. Аммо, тўппонча панд берди. Шундан сўнг, устанинг қаратэчи ўғиллари билан босқинчилар ўрта-сида муштлашув бошлашиб кетди. Никобдоғилар пичокларни ишга солишди. Уткир тиф Абдулнинг бичинига сончилди. Уй эгалари шунда ҳам бўш

нуридан уйғониб кетишди. Уйғондию...

- 25000 доллар топсаларинг топдиларинг, бўлмаса, уй-жойинг билан ёниб кул бўласанлар.

Қўл-оёғи боғланиб, оғизларига лента ёпиштириб қўйилган эр-хотин бараварига башлар билан «йўқ» ишорасини қилишиб, ёлворгандек, қўзларидан дув-дув ёш тўкишди.

- Нега «йўқ» бўларкан, бу ҳашамларга унда ниманинг ҳисобидан эришинг, топ пулларни, қаерга бекитгансан. - Баҳодир шундай дея туриб Акмалнинг қорнига тепди.

Шу пайт Кавказ қўшни хонадан уй эгасининг кизи - Шаҳзодани судраб қикди. Шу сиз ҳам қўрқувдан юраги така-пука бўлиб кетган қиз қўл-оёғи боғланиб, ерда думалаб ётган ота-онасини кўриб қўзлари катта-катта бўлиб кетди.

- Ҳалиям айтишмаяптими? Ҳмм... оппоғингизнинг юзига дазвол қиздириб боссам айтарсиз-а? Ёки, мана бу потириб турган жойини пичок билан қесиб ташлайми?

Бу гапдан тамомла чўчиб

(Суд ҳукмидан кўчирма).

Орадан икки-уч кун ўтиб, гуруҳ аъзолари «ўлжа»ларни тақсимлаш мақсадида тўпаланишди. Кавказ ўртага тўпаланган қимматбахо буюмларни шотирларига кўз-кўз қилгач, «булар ҳали ҳолва, биргаликда ишласак, пичоғимиз доимо ёғ устида бўлади», дея рағбатлантириб қўйди. Ўғирланган буюмлар Кавказнинг қўрсатмаси бўйича уларнинг тўдада тутган мавқеларига қараб тақсимланди. Уша қуни гуруҳ аъзолари биринчи муваффақиятларини шохар марказидаги энг ҳашаматли ресторонлардан бирида нишонлашди.

1996 йил, 19 март.

Орадан уч кун ўтиб, гуруҳ аъзолари обдон «разведка» қилинган навбатдаги «объект»га юриш қилишди. Бу гал ҳам ўтган галдаги режа такрорланди. Шерали девордан ошиб ўтиб, дарвозани очди. Шериклари юзларига никоб тутиб ҳовлига киришди. Қолган иккови эса пойлоқчилик қила бошлади. Шундай қилиб, Апп Жамол кўчасидаги М.Обидованинг уйида ярим тунда нотинч-

зи эшитилди:

- Мохи, санмисан, нима дейсан, ярим кечада?

Матлуба она ганини тугатар-туғатмас эшикни очди. Босқинчилар шу оннинг ўзида унинг ҳам оғзини бекитиб, қўлларини орқага қайиришди. Шавқини-суронни эшитиб, сакраб ўрнидан турган Акбар ака юз-кўзига тушган кетма-кет зарбдан ётган жойига қулаб тушди. Кавказнинг қўлидаги тўппонча унинг пешонасига тирланди. Бунни кўрган уй эгасининг дами ичига тушиб, юввош тартиб қолди. Босқинчилар уй эгаларининг оғизларини бекитиб, қўл-оёқларини боғлаб ташлашгач, яшириб қўйган долларларини топиб беришни талаб қилишди. Бандилар пуллари йўқлигини билдиришга да, зўровонлик давом этарди.

- Энди ҳафа бўлиш йўқ. Сенлар учун жонларингдан ҳам пул ва тиллалар азиз экан. Қани, Адҳам, бу оппоқ қиз билан гаплашиб қўй-чи. Худди видеолордагидек бўлсин, ота-онаси ҳам бир мазза қилиб томоша қилишсин. Бошла, тез!

Кавказнинг буйруғига итоат этиб, Адҳам бир сийтоб Мохи-

ранинг эғнидаги ҳарир либосни сидириб ташлади. Оёқ-қўлларини типирчилатаётган қизни даст кўтариб, хонадаги икки кишилик диван сари юрди. Қизнинг ота-онаси газандаларга ёлвориб тушди.

Шохар прокурори номига юборилган тезкор хабардан:

«... тўппонча, пичоклар билан қуролланиб, юзларига қора никоб тутган тўрт-беш киши уй хоналарини тинтиб, 5000 сўм пулни, нархи 1000 АҚШ долларига

тенг бўлган тилла занжирни, нархи 3000 АҚШ доллари бўлган бриллиант қўзли эркаклар тилла узугини, нархи 500 АҚШ доллари бўлган қилчичи, нархи 300 АҚШ доллари тенг ўт олдиригичлар коллекциясини, нархи 250 АҚШ доллари бўлган Англияда ишлаб чиқарилган 5 дона пичокни, 1500 сўмлик «Полароид» фотоаппаратини зўравонлик билан қўлга киритган вақтларда, уй эгасининг ўғли Н.Ҳикматов ўзига тегишли бўлган «Subagi» русумли автомашинада келиб қолади».

Бундан кўчадаги пойлоқчилар ҳам гафлатда қолишганди. Катта тезликда келаётган иномарка «қўриқланаётган» дарвозага яқинлашгач, кескин бунрилади.

Машинани ҳовлига киритиш мақсадида дарвозани «иш» учун ичкарига кирган Низомга қарата секин, аммо таҳдидий буйруқ янгради:
- Тўхта! Жойингдан қимирлама!

Фарход ШАЙМОНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори.
Дилшод ИСЛОМОВ,
«Хуқуқ» муҳбири.
(Барча исм ва фамилиялар ўзгариб берилди).
(Давоми бор).



қилишмади. Кавказ қараса, «музоқара» чўзиладиган, бу ҳолда қўлга тушиб қолиш ҳам ҳеч гапмас. У шердай ҳамлага ўтиб, бир зумда ака-укаларни ер тиллапти.

Энди бу ерда қолиш ортиқча даҳмазо эди. Босқинчилар ҳовлига чиқишди ура қочинди. Уларнинг ортидан кўчага чопган уй соҳиблари ҳеч нарсани кўра олишмади. Уларнинг қўлоқларига фақатгина тобора узоқлашиб бораётган оёқ товушлари эшитилди, холос.

Шундай қилиб, гуруҳнинг биринчи «ови» ўнгидан келмади. 1996 йил, 12 март.

Бу гал босқинчиларнинг чекига пойтахтнинг Янгилик кўчасида яшовчи А.Раҳматов деган фуқаронинг уйи тушди. Кавказнинг йигитлари доимгидек, бир-икки кун ушбу кўчада ўралашиб, шорт-шароитларни обдон ўрганишди.

Тун ярмидан ўтганда ҳашаматли ҳовлининг банд деворидан бир шарпа лип этиб ошди. Кўп ўтмай нақшинкор дарвоза очилиб, қолган шарпалар ҳам ичкерида пайдо бўлишди.

Босқинчилар кирган хона Акмал ва Алиярларнинг ётоғи эди. Ширин уйқуда ётган эр-хотин электр қирғининг ёркин

кетган қиз Кавказнинг қўлидан юлқиб чиқишга уринди. Ота-онаси эса инграб юборишди. Кавказнинг шериклари эса бу пайтда уйни ағдар-тўнтар қилишга киришиб кетган эдилар.

«... Раҳматов А.нинг костюмининг чўнтағидан 400 АҚШ доллари ва 2700 сўм пуллари, трюмодан нархи 5000 сўмлик эркаклар тилла узугини, нархи 10000 сўмлик 3 та бриллиант қўзли аёллар тилла узугини, нархи 14000 сўмлик, оғирлиги 30 гр. бўлган аёллар тилла занжирини, нархи 7000 сўмлик аёллар тилла зирак ва узугини, нархи 2500 сўмлик болалар тилла зирагини, баҳоси 10000 сўмлик JVC телевизорини, нархи 7000 сўмлик Panasonic II видеомагнитофонини, нархи 48000 сўмлик Panasonic - M-3000 русумли видеокамерани, нархи 12000 сўмлик мусиқа марказини, нархи 15000 сўмлик Panasonic русумли факс аппаратини, нархи 1000 сўмлик норка теллақни, нархи 4000 сўмлик болалар чарм қуртқасини ва 8 дона Panasonic видеокассетларини олиб, Раҳматов А.га тегишли ВА3-2106 русумли автомашинага оқлашиб, воқеа жойидан яширинганлар».

лик бошланди.

Босқинчилар узун айвондаги эшикларни бир-бир очишга ҳаракат қилишди. Аммо уларнинг барчаси қулфланган эди. Улар ичкаридан қизлик чироқ хирагина нур сочиб турган хонага киришга муваффақ бўлишди. Хонада уй эгасининг қизи Мохира ухлаб ётарди. Уни турткилаб уйғотишди, қиз кўзини очиб биланок, оғзини бекитишди.

Кавказ унинг қўлигаги шивирлади:

- Қўрмагин, оппоқ қиз. Жим! Сенга ёмонлик қилмаймиз, ота-онанг қани, қайси уйда ётибди? Бизга уларни чақириб берсанг бўлди, фақат ортиқча шовқин қилмасдан.

Мохира дағ-дағ титраганча юзларига никоб тутиб, тиш-тирноқларига гача қуролланган босқинчиларни ота-онасининг ётоғи сари бошлади.

- Шу ерда ётишибидими? Қани қақир, бўл тез!

Қиз йиғламоқдан нари-бери бўлиб, ота-онасини қақира бошлади:

- Ада, опа... опа эшикни очсаларинг-чи...
Кўп ўтмай ичкарида чироқ ёниб, эшик томон қимдири юрди. Аёл кишининг уйқусираган ово-

Сўнги йилларда «ваххобийлик» деган атама тез-тез кулокка чалинадиган бўлди. Кейинги икки йил ичида Фарғона водийсида, хусусан, Наманган вилоятида «ваххобийлик» нибобиди амалга оширилган муҳим жиноятлар, оёйишталогимизга, мустақиллигимизга қилинган таҳдид ҳаммамизни ташвишга солди. Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари кенг жамоатчилик ёрдамида бу антиконституциявий тўдалар фаолиятига чек қўйишди. Бирок уларнинг чет элга қочган айрим шериклари хориждаги раҳна-молари соясида бизга қарши фитна, иғво, душманлик тўрларини тўқишда давом этмоқдалар. Тажрибали ҳуқуқшунос, Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Юнус Абдуллаевнинг мазкур ҳужжатли қиссасида ана шу воқеалар ўз аксини топган. Қисса «ваххобийлик» оқимида мансуб, ёки аниқроғи, «ваххобийлик»ни пеш қилиб, жиноят содир этган айрим кимсалар устидан ўтказилган тергов ва суд материаллари асосида ёзилган. Унда Наманган ваххобийларининг келиб чиқиши, гоёвий интилиш ва жиноятлари тарихи баён этилган. Хар қандай диний - экстремистик гуруҳларнинг ҳақиқий башарасини, уларнинг максадини англаб олишда қўл келишини назарда тутиб, ушбу қиссадан бир парчани ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқдамиз. Қиссани тўлалигича «Қонун ҳимоясида» журналида ўқийсиз.



Юнус АБДУЛЛАЕВ, Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари

...Бозор шовкин-сурони аро қаёқдан-дир сурнайнинг ингичка товуши сизиб чиқди. Оломон беихтиёр сурнай садоси таралаётган жойга интилди. Кичик доира шаклидаги саҳна ўртасига ўн та халта қўйилган, халталар ёнида бошдан оёқ ох либос кийиб, тепосига товус па-ти қадалган симобий салла ўраган, юзлари қоп-қора, занжига ўхшаган чол сурнай чаларди. Мана, халталар сурнай оҳангига монанд кимирлай бошладилар. Кўп ўтмай уларнинг биридан дашт қора илонининг боши кўторилди. У сурнай оҳангига мос тебринашга тушди. Иккинчи халтадан саҳро даҳшати - гур - илон совуқ ҳайбати ила чиқиб келди. Халталардан бирин-кетин қал-латумшук илон, бўғма илон, чипор илонлар сурнай ноласига эргашиб, биланглаб чиқоверишди. Мана, илон-лар шохи - қўрқинчи қобра ҳам симдай ингичка тилларини чиқариб сурнай оҳангига ўйнай бошладилар... Сурнайчи заҳарли илонларни хоҳлаган мақомига йўрғалатарди. Ноло авж пардага етганида илонлар жунбушга кириб, заҳор томор тилларини ўйнатганича, тез-тез чайқала бошладилар. Энди улар бутунлай сурнайчининг инон-ихтиёрига ўтишган, сурнайдан қандай оҳанг - «топширик» янграса, ўлишларига қарамай, буйруқни бажаришга шай зомбиларга айланишган эди...

Наманган шаҳри марказида ҳаша-матли жоме масжиди бор. Жума номози кунлари Отауллохон деб номланадиган бу масжид шаҳарнинг турли маҳалла-лари ва теварак қишлоқлардан келган мусулмонлар билан гавжум бўлади. Одатда улар жума номозини адо этиш билан бирга, имом-хатибдан шариат оҳкомлари, Исломиё қадриятлар, Пай-ғамбаримиз ва азизлар ўғитларини тинглаш учун ҳам келадилар. 1989 йил масжидга Хусан Мирқамолов имом-хатиб этиб тайинланди. Одамлар янги имом - хатиб ваъзларидаги ўзлари амал қилиб келган баъзи диний урф-одатларни бажармаса ҳам бўлаве-риши, ҳатто бундай расм-русумлар билан эканлиги хусусидаги фикрларга қизиқиб қолишди.

Эй, мусулмонлар! Инсон вафот этгандан сўнг уни исломий ақидалар бўйича дафн этишгина жоиздир, ҳолос. «Ҳч», «Итирма», «Қирқ» каби моросим-лар асли ношаръий ишлардур. Айниқса, шундай маъракаларда пул оладиган домларнинг ҳолига вой! Зеро, улар дин йўлида эмас, нафс йўлида юрганлар сирасидандир. Келинлар, диний ишлар, моросимлар ва иссиқ - совуқ маърака-ларни пайғамбаримиз (С.А.В.) даври-дагидек ўтказоэйлик! Оллоху акбар!

Халк қосади Отауллохон масжиди

«Ваххобийлар масжиди» деб ном олди. Зеро, янги имом-хатибнинг ваъзларидан исломдаги ваххобийлик йўналиши асосчиси Мухаммад Абдул Ваххобнинг гоёлари нафаси шундоқ уфуриб турар-ди.

Орадан икки-уч ой ўтгач, янги имом-хатиб автоаварияга йўлиқиб, ноғирон бўлиб қолди ва унинг ўрнига Абдулоҳад имом этиб тайинланди. Аммо Отауллохон масжиди аввалгидай «Ваххобийлар масжиди» бўлиб қолаверди. 90-йиллар-нинг бошларида шу масжидда «Оппоғда-да» лақабли бир шахс пайдо бўлди. Асли қирғизистонлик бу одам масжидга қатновчилар ичидан ўзига мос келган-ларни танлаб, сўхбатга чорларди. 1991 йили «Оппоғдада» масжидга Покистон, Ҳиндистон ва Бангладешдан аллақан-дай меҳмонларни бошлаб келди.

Кафирлар узоқ йиллар мусулмон-лар ерини буглаб келиши, - деди «Оппоғдада» йиғилганларга, - энди биз қандай қилиб бўлса ҳам ислом давлати-ни тузишимиз керак. Бунинг учун дини исломга садоқат билан хизмат қилиш, муҳожд бўлиш керак! Мана, чет эл мусулмонлари бизга кўмакка тайёр! Улар ташкил қилган «Таблиғ» гуруҳига мансуб биродорлар Наманганда, Анди-жонда, Фарғонада чинакам шариат аҳкомларини ислом йўлига даъват эт-моқдалар. Даъватчи биродорлар сафи кенгайиб бормоқда. Мақсадимиз Ўзбе-кистонда ислом давлати барпо этиш!

Шу кун «Оппоғдада» бошчилигида «Тавба» гуруҳи ташкил этилди. «Тавба» гуруҳига дастлаб 9 киши аъзо бўлиб кирди. Улар Қуръони Каримни ўртага қўйиб, қасамд қилишди:

- Улғунимча динга хизмат қиламан! Динга қарши чиққанларга қарши молам! билан, жоним билан курашаман!

Исломда одам ўлдириш, бировнинг молини талаш, кишига зиён - захмат етказиш энг оғир гуноҳ саналади.

1994 йил 6 май, ярим тун. «Дин учун курашувчи», «Тавба» гуруҳининг тўрт нафар аъзоси ёвуз ният билан йўлга чиқишди. «Дин учун курашувчилар» одам ўлдириш ниятида эдилар. Намангандан Учкўрғон тарафга йўналган «Л 06 71 НА» русумли «Жигули» машинасида ўтирган Йўлдош, Холмат, Абдурахмон, Мамажонларнинг бирида қирқма милт-тик, бирида «Қалашников» автомати, бирида тўппонча, бирида ўткир пичоқ...

- «Тақсир», - дея шеригига мурожаат этди тўда бошлиғи Мамажон. - Сиз гор-газда ишлаб юриб, Темир-терсақнинг

пири бўлиб кетсансиз, тўппончани беҳа-то ишлатарсиз?

«Тақсир» хи-хилаб бошини ликилатди. Асли норинлик, кейинчалик Наманган шаҳрида яшаган «тақсир» лақабли Йўлдош ўша пайтда Чортоқ тумани масжидларидан бирида имом-хатиблик қилар, бугун эса имом-хатиб овга - одам овига чиққан эди!

Наманганлик Мамажоннинг асл кас-би эса ошпаз эди.

«Учкўрғон» жамоа хўжалиги долла-лари бошланди. Наманган вилоят бож-хонасига қарошли 4-сонли божхона маскани хўжалиқнинг 3-бўлими ҳудуди-

ёрдм берувчи «Адолат» норасмий уюшмасига чорлай бошладилар. Уюшмага бир қанча одам аъзо бўлди. Бирок Ҳаким Сотимов ҳуқуқ-тартибот идора-ларига ёрдм бериш ўрнига суд, про-куратура, милиция органлари ишини ноқонуний тарзда ўзи адо этишга ки-ришди.

Уюшма аъзолари раҳнамолари кўр-сатмасига биноан, «ўғри, босқинчи» дея гумон қилинётган одамларни ўз уйларида ушлаб келиб, турли қийноқ-лар билан қиларди. Маъзан шафқатсиз қийнаш чоғида ёш ўсмирларнинг ўлиб қолиш ҳоллари ҳам бўлган. Отауллохон



да жойлашган эди.

Жиноятчилар катта йўлни четлаб, хилват дала йўлига бурилишди. Божхона масканига етмасдан ярим чақиримча берида машинани зовур дўнглари орқасига яшириб, пиёда божхона томон юришди. Бўридай писиб, аста вагон-уй томон ўрмалашди. Ҳаммалари қурол-ларини шай қилиб олишганди. Вагон-уй ёнида жамоа хўжалигига қарашли шийпон бор эди. Мамажон шийпонни аста айланиб ўтиб, бирдан вагон - уй эшигини тепиб юборди.

Вагон-уй ичидаги ўриндиқда ётган божхона хизмати сержанти Бурхон Қўчқоров бошини кўтариб улгурмай, Мамажон қирқма милтиқдан вараң-латиб унга ўқ узди. Ортидан кириб келган Абдурахмон автоматдан ўқ ато бошлади. Хона ичи порох тутунига тўлди. Эндигина 30 баҳорни қаршила-ган Бурхон елкаси, кўрағи, қорни, оёқ -қўлларига санчилган ўқлардан ҳалок бўлди. Аммо ваҳший босқинчиларга бу ҳам қамдай кўринди. Кўзи қонга тўлган Холмат ёнидан ўткир чуст пичоғини су-гурди-да, беғуноҳ Бурхонжоннинг бўй-нига уриб, уни сўйиб ташлади...

Босқинчилар сейфни очиб, бож учун олинган пулларни чўнтакка уришди. Ўша пайтда маскандо бўлмаган катта нозир А.Нарзуллоевнинг хизмат кийими-ни, фуражакасини олдилар. Мамажон қотиллик содир этилган жойнинг ўзида А.Нарзуллоевнинг хизмат кийимини кий-иб олди... «Тавба» гуруҳи иштирокчи-ларининг қонли қилмишлари, ўнлаб оналар, рафиқалар, гўдақлар оху-зори, нолаларига сабаб бўлган жиноятлари тизими шу тариха бошланиб кетди...

Наманган ваххобийларининг қонли қилмишлари асосида қандай машум мақсадлар ётарди? Қандай ижтимоий-сиёсий кучлар Наманган вилояти, қола-верса, бутун водийнинг у ер-бу ерлари-да Ванган, мавжуд тузумга нисбатан душман унсурларни юзага чиқаришдан, уларни қўллаб-қувватлаш, қўлига пул маблағлари, қурол тутқазишдан манфа-атдор эди? Бу саволларга жавоб топиш учун кичкина чекиниш қиламиз.

1990 йил Наманган шаҳри. Шаҳорда рўй берган ўғирлик, босқинчилик ҳоди-саларидан усталик билан ўз мақсади йўлида фойдаланишни кўзлаган Ҳаким Сотимов масжидда:

- Давлат жиноятчиларни ушла-й олмаётми! Талончилар кўпайиб кетди! Халқни ким муҳофаза этади? - деган чақирик билан чиқди ва одамларни ҳуқуқ муҳофазаси идоралари ишга

масжидидаги чет элдан келиб, шу ерда муқим турган «шариат пешволари»дан бири наманганлик Тоҳир Йўлдошевнинг ашаддий фанатлиги, мол-мулк, мансаб йўлида ҳеч нарсадан тоймаслигини обдан ўрганиб олгач, унга янги топ-ширик берди. «Адолат» уюшмаси маж-лисларидан бирида Тоҳир уюшма фао-лиятидан қоникмаганлигини билдирди.

- Битта-яримта томоша ўғри-мут-тахамни ушлаб ҳазолаш билан иш битодими? Биз қамровни кенг олишимиз даркор. Ҳаммамиз дини ислом йўлида жонидан кечган мужоҳидлармиш! Демак, фаолиятимиз ҳам шу қўломда бўлиши даркор! Ўзбекистонда шариат қонун-лари асосидаги ислом давлати қуриш йўлида курашмоқ лозим! Бунинг учун масжидларда, маъракаларда ваъз айтадиган, халқнинг кўзини очадиган, керак бўлса, қўлда қурол билан иш кўрадиган ислом лашкарларини кўпай-тирайлик!

Тоҳир Йўлдошев ўз тарафдорлари билан «Адолат» уюшмасидан ажралаиб чиқди ва «Ислом лашкарлари» норас-мий уюшмасини ташкил қилди.

- Мен Тоҳир Йўлдош ўғли эндиликда Наманган вилоятининг амириман! - дея тантанали тарзда эълон қилди у ўз «лашкарлари» ҳузурда. Янги «амир» бошчилигида ҳаддан ошган «ислом лашкарлари» давлат ихтиёридаги ноёб халқ истеммоли моллари ва ҳатто жамоа хўжалиқлари ерларини ўзбошимчилик билан фуқароларга тақсимлаб бера бошладилар. Ташкилот ва хўжалиқлар-нинг маъмурий бинолари зўрлик билан тортиб олиниб, диний марказларга ай-лантирила бошланди. Ислам жангари-лари собиқ Наманган обқомига қараш-ли сиёсий маориф уйини масжидга айлантирармиш, дея бинони қуршаб олишди. СССР жон талвасасида сўнги кунларини кечирар, Фарғона ва Ўш аҳолиси қонли феодалларни бошдан кечирган, Ўзбекистондаги сиёсий вазият ҳам қалтис пайтлар эди...

Намангандаги Ваххобийлар масжи-дидан тарқаган фитна тўрлари водий-нинг бошқа шаҳораларига ҳам тўтилган эди. Масалан, марғилонлик Аҳад қори Ҳакимов 1991 йили ўша масжидда чет элдан келган Мухаммад Саид исми-ли шахсдан 5 минг АҚШ доллари олгани маълум. Қўқонлик Таштемир Нурматов - Мухаммад Ражаб эса чет эллик раҳнамоларидан қисқа муддат ичида 30 минг АҚШ доллари олган. Ваххобий-ларнинг норасмий гуруҳлари Андижон вилоятида ҳам мавжуд эди.

Шокир АХРОБОВ

ҚАБРАН ҚАЙТГАН УМР

Бодавлат бўлмасан, бировни ноҳақ ҳақорат қилмасан...

- Эргаш ака, мени хотиним шу ахволга солди. - Мухторни асаби бузди. - Номорд!

- Э, кўйсанг-чи, ишонмайман.

- Ишонаверинг. Биласиз, у врач.

Мени назар қилармиди. Кейинги пайтлар жуда ўзгариб қолувди. Аммо ўзи сир бермайдди. Бир-иккитаси ишонмасида бир йигит доим машинасида олиб юришини айтганди. Сабабини сўрасам, бақириб берди. Ҳамкасби эмиш.

Эргаш қоровул Мухторнинг бу голпаридан таажжубланди:

- Ҳозир, сизга тушунтириб бераман. Уша куни уйда электр чиройи ўчиб қолган экан. Турғиси, ҳайрон бўлдим. Девордаги сим атайлаб узилгандай эди, назаримда. Сўнг ҳозир, дедимда, нариги хонада турган умумий ўлчагичдан ҳовлидаги электрни ўчириб, симни улашга чоғландим. Аммо, шу пайт Нозиманинг ўша хонага ўтганини кўриб қолдим. У атайлаб электр токини симга улаб юрган.

- Йўғ-е, - деди Эргаш қоровул ҳаяжонда.

- Ишонаверинг. Ростини айтаяпман.

(Детектив ҳикоя)

- Эрн эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин. Онасини қўриб, кизини ол. Каромат ўз эрини қаматиб юбуровди.

Мухтор уф тортиди:

- Гапирсам гап кўп, Эргаш ака, турақолинг. Тузукрок кийим топиб келинг. Фақат ҳеч ким билмасин.

- Майли, мен борақолай, - Эргаш қоровул шундай дея қишлоқ томон йўл олди.

Мухтор энди нима қилиши кераклиги ҳусусида чуқур ўйлади. Уйлаб-ўйлаб, шаҳарга кетишга қарор қилди. Майли, одамлар ҳозирча билмай туришин. Вақти келар. Нозиманинг сирларини очиш керак. Кузатиш ва исбот қилиш керак. Ана ўшонда ўч олса бўлади.

Орадан анча вақт ўтиб, эйшак тақиллади. Эргаш қоровул қайтган эди. Мухтор эшикни очгач, унинг қўлидаги тугунчасини олди. «Кийим»ларини алмаштирди.

- Ҳали янгисини олиб берарман.

- Ҳали янгисини олиб берарман.

- Кўявер, бошинг омон бўлсин.

- Майли бўлмаса, - деди

Мухтор кийинги бўлгач, тупрокча беланган кафанини ўраркан. - Яхшилигингиз учун раҳмат. Энди кетақолай. Ҳадемай тонг отади. Тагин битта яримтаси кўриб қолмасин.

- Ҳа, нима бўпти?

- Эслари оғиб қолмасин, дейман-да, - қулди Мухтор.

- Майли, ўғлим омон бўл.

Лекин айтиб қўяй, бу сирни фақат отанга айтаман. Ҳам чекиб ўтирмасин. Кўпга кетсанг, қишлоқ ахлига ҳам айтаман.

- Қўйсангиз-чи, - қулиб юборди яна. - Тагин ҳамма сизни жиннига чиқармасин. Қабрни аввали ҳолига келтириб қўйганман. Ҳеч ким ишонмайди. Бир гап бўлар, фақат сир тутинг. Отанга ҳам тайинланг.

Мухтор Эргаш қоровул билан хайрлашиб, яна ўша сўкмоқ бўйлаб қишлоқ чеккасида катта йўлга чиқди.

Қишлоқдан чиққач, катта йўл ёқолаб анча юрди. Тонг отиб қолган, ахён-ахёнда машиналар гувиллаб ўта бошлаганди. Мухтор ўтаётган машиналарга қўл кўтарга бошладди.

Нихоят бир «Жигули» шундоқ ёнгинасига келиб тўхтади.

- Шаҳарга.

(Бошланғич ўтган соғларда. Давоми бор).

• *Ажаб дунё*

ТОШБАҚА - ҚАМОҚДА

Гонконгдаги дастлабки қамоққа олиш камерасига ёзда тошбақа келтирилган эди. Бу жонивор осмонлар бинони юқори қаватларидан пастдаги йўловчининг бошига тушиб кетган. Тошбақанинг дерозадан пастга ташлаганини ҳеч оқлга сизмайдиган ишдир. Буни албатта, бирорта ёвуз ниятли одам амалга оширган бўлиши керак. Ҳўш, бу иш атайин қилинганми, ё тасодиф? Бу савол терговни олиб бораётган гонконглик полициячиларнинг бошини жуда қотирди. Тошбақа дастлабки қамоққа олиш камерасида то унинг эгаси топилмагунча ашёвий далил сифатида ушлаб турилаверди. Бироқ эгаси чиқмади. Шундай қилиб, тошбақа ҳам маълум муддат қамоқда «ўтириб» чиқди.

СОҚЧИЛАР КЎЧАДА ТУРИШМАЙДИ

Греция полициячилари Афина кўчаларига ҳам соқчиликка қўйилади. Бироқ улар жойида туришмайди. Маълум бўлишича, полициячилар иш вақтида истаган нарсалар билан шугулланишаркан, яъни қаҳвахўрлик қилишар, барларга боришар, дўстлари билан дам олишар, хуллас ўз хизмат вазифаларини бажаришмас экан. Греция полиция раҳбарияти Афинанинг марказий Коланаки даҳасида тўсатдан текшириш ўтказгач, шундай хулосага келди. Даҳани айланиб чиққан бошлиқлар 70 дан ортиқ полиция соқчилорининг бирортаси (ўзи шунча соқчи қўйилади) ҳам ўз жойида йўқлигини кўриб ҳайрон қолдилар.

ТАЛАБ ҚОНДИРЛДИ

Омудурман шахрининг (Судан) уч фуқароси ўзаро жанжаллашиб қолишди. Сўнг бу жанжал муштлашишга айланди. Натижада жанжалқашлардан бирининг тиши уриб синдирилди. У эса ким урганлигини аниқ билолмай, нарковини ҳам судга берди. Кизиги шундаки, жабрланувчи суд чиқарган ажримларнинг бирортасидан ҳам қониқмади, яъни кечирим сўраш, етказилган зарорни тўлаттириб олишга рози бўлмади. У суддан фақат битта нарсани талаб қилиб туриб олди - синган тиш учун айбдорларнинг ҳам тишини уриб синдиришни. Суд розилик берди ва бир муштмўзур шифокор томонидан икки айбдорнинг ҳам тиши уриб синдирилди.

CROSSWORD

Энига:

1. Судралиб юрвчи жонивор. 6. Мезозей эрасида яшаган ҳайвон. 8. Ёшлар жамғармаси. 10. Кишининг фикрлаш қобилияти. 13. Созанлар йиғиндиси. 14. Мангулик. 15. Урта. 16. Баҳодир, улкан. 18. Зеб. 19. Миллат. 21. Тугал. 23. Тола ажратувчи агрегат номи. 24. Мирза. 27. «Зода» маъносини билдирувчи сўз. 28. Машҳур боксчининг исми. 30. Сочи йўқ кишига керак эмас. 32. Сайроқи қуш. 33. Қашқадарё маркази. 34. Европадаги давлат. 36. Валиш. 39. Тропик мева. 41. Россиядаги дарё. 42. Полз экини. 43. Башора, юз. 44. Каромат кўрсата оладиган киши. 45. Зоҳор.

Бўйига:

1. Рангдор қуш. 2. Швейцариядаги шаҳар. 3. Андижон вилоятидаги туман. 4. Турли мақсад учун қурилган бино. 5. Назм ва наср билан ёзилган ҳикоя, поэма. 6. Механиканинг бир бўлими. 7. Мусулмонга фарз қилинган беш амалдан бири. 9. Ор-номус, шарм. 10. Икки нарса орасидаги масофа. 11. Сўз орқали изҳор этилган фикр. 12. Балж тури. 17. Литва пул бирлиги. 20. Дуродгорлик асбоби. 22. Миллий спорт ўйини. 25. Халқнинг билимини ва онгини оширишга қаратилган иш. 26. Намунали, ўрнакли. 28. Овсар, эсар. 29. Ҳўш, ўлан тўшагинг. 31. Хотин-қизларнинг исми. 35. Ёзув қуролдан бири. 37. Тиббий ходим. 38. Бувининг шевада аталishi. 39. Пул муомаласида воситачилик қилувчи муассаса. 40. Халинчак.

Бўйига:

46. Сурхондарё вилоятидаги туман. 47. ... тушгунча кунда дам олар. 49. «Қутлуғ қон» даги тимсол. 50. Туркиядаги шаҳар. 52. Юз йиллик давр. 53. Бўёқ тури. 54. Уйнинг оқори қисми. 57. Яқин қариндош. 59. Италиядаги шаҳар. 61. Оғриқ жойини топса... ой қийлайди.

Энига:

46. Хиндистонда ҳукмдорлик қилган бобомиз. 48. Енгисз ички кийим. 51. Машҳур кўзбойлагич. 52. Юридик фактларни тасдиқловчи ҳужжат. 55. Исм. 56. Иртқич ҳайвон. 58. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 60. Ойна ўрнатилдиган дераза. 62. Наврўз таъми. 63. Фарғона вилоятидаги туман. 64. Самарқанд вилоятидаги туман.

Тузувчи: Самижон МАМАДАЛИЕВ.

Газетанинг ўтган сонидан берилган кроссворд жавоблари:

1. Ҳўрозқанд. 2. Дазмол. 3. Лифт. 4. Телевизор. 5. Расадохона. 63. Археолог. 7. Галактика. 8. Академик. 9. Каллиграфия. 10. Яқшаба. 11. Арқон. 12. Намазоб. 13. Бургоминстр. 14. Рақобат. 15. Торт. 16. Тарих. 17. Белқурак. 18. Кризис. 19. Санъатшунос. 20. Стадион. 21. Наҳарат. 22. Тилхат. 23. Тароз. 24. Ипподром. 25. Муқофот. 26. Табассум. 27. Механика. 28. Алоқа. 29. Ангилшвона. 30. Арбоб. 31. Буортма. 32. Асаб. 33. Америка. 34. Марра. 35. Исковуч. 36. Ляцей. 37. Ангуни. 38. «Анхор». 39. Система. 40. Акция. 41. Нафосат. 42. Океан. 43. Анкуман. 44. Юрист. 45. Лампочка. 46. Анатомия. 47. Қўнғирок. 48. Қарқунок. 49. Қўрғошин. 50. Навхирон. 51. Мураккаб. 52. Бактерия. 53. Муҳаммас. 54. Саводхон. 55. Марварид. 56. Демократ. 57. Оқизок. 58. Исирк. 59. Омонат. 60. Кресло. 61. Муддао. 62. Август.

Муштақиллик ҳуқуқ демакдир

ХУКУК
ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Конун ҳимоясида» журнали

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яёқ Фуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳолик АБДУРАЗОҚОВ

Тахрир хайъати: Бўритош Сайфуллаев, Ботир Ҳўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев.

Муаллифларнинг фикри тахрират фикридан фарқлашиши мумкин. Қўйиб босилганда «Хуқуқдан олинганлиги» кўрсатилиши шарт.

«Хуқуқ» оригинал макети.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 18297. Буюртма Г-0230. Бичими А-3.

Навбатчи:

Ж. Шарофбоев.

1 2 3 4 5 6

Газета PENTIUM - II mтх компьютерида саҳифаланди.

Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти: 20.00
Босмаҳонага топширилди: 19.00